UZINVEST.UZ

ЮКОРИ ДАРОМАДЛИ ЛОЙИХЛАРГА ХИМОЯЛАНГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

КЕРАКЛИ БЎЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ МИҚДОРИ:
$42 000

ЙИЛЛИК СОФ ФОЙДА:
$30 000

ИНВЕСТИЦИЯ САРМОЯСИНИНГ РЕНТАБЕЛЛИГИ:
50%

МУАЛЛИФ САРМОЯСИ:
$20 000

Лойиҳа бўйича қўшимча маълумот олиш учун:
+99898 338 93 33
+99890 925 96 81

info@uzinvest.uz



ЛОЙИХА № 2086
НАМАНГАНДА ЎҚУВ МАРКАЗИ

Лойиханинг махсади: Лойиҳа муаллифи Наманган вилояти учун муҳим таълим ва маданий объектга айланадиган замонавий ўқув марказини тақдим этмоқда. Шаҳар марказида, бош йўл ёқасида жойлашган **4 сотих ер** майдони аллақачон сотиб олинган.

Марказда турли хорижий тиллар ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий IT-йўналишлар ўқитилиши режалаштирилган. Ўқувчиларнинг билим ва ютуқларини юқори даражада таъминлаш мақсадида қатъий методика ва интизомга алоҳида эътибор қаратилади.

Қулай таълим учун минтақада ўзига хос катта кутубхона мўлжалланган. Бу ерда ўқувчилар чуқур ўрганиш ва ривожланиш имкониятига эга бўладилар. Марказ замонавий жиҳозлар билан таъминланади ва дарсларни малакали педагоглар олиб боради.

Бундан ташқари, лойиҳа бошқа туманлардан келган ўқувчилар учун ётоқхона ташкил қилишни ҳам кўзда тутади. Бу бутун минтақадан талабаларни жалб қилиш ва кучли таълим жамоасини шакллантириш имконини яратади.

Ўқув маркази нафақат таълим сифатини ошириш, балки маданий алмашинув ва ривожланиш учун янги масканга айланиб, ёшлар ва катталар учун янги имкониятлар очади.

Муаллиф ер сотиб олишга $20 000 маблағ киритган.

Лойиха учун керакли инвестиция миқдори: $42 000, шундан:

Номланиши	Сумма, $
Бино куриш	8 000
Таъмирлаш ишлари	15 000
Мебель ва техника	10 000
Маркетинг	1 000
Соликлар	1 000
Иш хаки	1 500
Укув куроллари	1 500
Бошка харажатлар	4 000
Жами	**42 000**

Йиллик даромадлар хакида маълумот

Номланиши	Микдори	Нархи, $	Сумма, $
Йотог билан укув	31	810	25 000
Катнов билан укув	79	315	25 000
Жами			**50 000**

Ҳисоб-китобларда энг кам кўрсаткичлар қўлланилган бўлиб, ўқувчилар сони ортиши билан марказнинг даромади ҳам кўпайиб боради.

Йиллик харажатлар хакида маълумот

Номланиши	Сумма, $
Операцион харажатлар (Иш хаки, маркетинг, соликлар, бошка харажатлар)	20 000
Жами	**20 000**

- Йиллик даромад: $50 000
- Йиллик харажатлар: $20 000
- **Йиллик соф фойда**: $50 000 – $20 000 = **$30 000**

ROI = $\frac{\text{Сой фойда}}{\text{Инвестиция}}$ x Инвестор улуши x 100% = **50%**

Фойданинг тақсимланиши

Киритган сармоя тўлиқ қоплангунига қадар: Инвестор – **70%** ва лойиҳа Муаллифи – **30%**
Киритган сармоя тўлиқ қоплангач: Инвестор – **40%** ва лойиҳа Муаллифи – **60%**